



THE HARM OF SUCKING PESTS IN THE STAGE OF DEVELOPMENT OF SOY 2-5 LEAVES AND FROM THEM PROTECTION

O.Amirqulov¹, E.Ziyadov²

¹ Supervisor: q / x.f.f.d., k.i.x.,

² base doctoral student,

^{1,2} Southern Agricultural Research Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5055495>

ARTICLE INFO

Received: 20th June 2021

Accepted: 25th June 2021

Online: 30th June 2021

KEY WORDS

shade, harvest, phase, branching, legumes, pest, spider, aphid, thrips, sucker, protection, insecticide, fight, damage, return, damage, effectively.

ABSTRACT

Scientific research on shade highlights the optimal timing and norm in the control of sucking pests that damage legumes and various insecticides in the 2-5 leaf phase of the crop.

СОЯ ЎСИМЛИГИ 2-5 БАРГЛИ РИВОЖЛАНИШ ФАЗАСИДА СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР ЗАРАРИ ВА УЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

О.Амирқулов¹, Э.Зиядов²

¹ Илмий раҳбар: қ/х.ф.ф.д., к.и.х.,

² таянч докторант,

^{1,2} Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти..

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-iyun 2021

Ma'qullandi: 25-iyun 2021

Chop etildi: 30-iyun 2021

KALIT SO'ZLAR

soya, ҳосилдорлик, фаза, шохланиш, дуккак, зараркунанда, ўргимчаккана, шира, трипс, сўрувчи, ҳимоя, инсектицид, кураш,

ANNOTATSIYA

Соя бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда дуккакли экин соя ўсимлигига зарар етказувчи сўрувчи зараркунандалар ва уларга қарши курашда экининг 2-5 баргли фазасида ҳар хил турдаги инсектицидлар билан қарши курашда мақбул муддати ва меъёр ёритиб берилган.



зарар, қайтариқ, зарар,
самара.

Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган жами ўсимлик мойининг 40% и соя ўсимлиги ҳиссасига тўғри келади. Дунё бўйича дуккакли дон экинлари орасида соя ялпи ҳосили ва экин майдонлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Дуккакли соя ўсимлигининг 150 дан ортиқ бўлган зарарли ҳашаротлари зарар келтирса, ушбу зараркунандалардан бугунги кунда 24 тадан ортиғи соя экини ҳосилига жиддий зарар етказди. Ушбу зараркунандаларга қарши ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирлари қўлланилиши ҳисобига зарарланадиган соя дон ҳосили сақлаб қолинади. Шунингдек, дуккакли дон экинларини етиштиришда асосий сўрувчи зараркунандалардан ҳимоя қилиш муаммоси бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [1].

Дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида соянинг асосий сўрувчи зараркунандаларига қарши кураш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу изланишлардан асосий мақсад олиб борилган тадқиқотлар натижасида соя экинларини зараркунандалар зараридан сақлайди. Дуккакли соя ўсимлигида сўрувчи зараркунандаларнинг зарари таъсиридан кўп ҳосилдорлик йўқотилади. Бунга сабаб, соя ўсимлиги зараркунандаларига ўз муддатда қарши кураш тадбирлари ўтказилмаслигидадир.

Республикамизда соянинг асосий сўрувчи зараркунандаларга қарши

ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш соя ҳосилини сақлаб қолишда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Дуккакли дон экинларидан олинадиган ҳосилга бўлган талабни қондиришда ҳамда ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш учун зараркунандалардан ҳимоя қилишда бир қанча кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Соя экини ҳам барча дуккаклилар каби илдизлари ўқ илдиз, бақувват ривожланган бўлиб, тупроққа 1,5 метр чуқурликка кириб боради. Униб чиққанда уруғпалла барглари кўтариб чиқади. Дастлаб уруғпалла барглари икки баргли чин барглар, кейин учталиқ чинбарглар ҳосил қилади [2].

Соя экини ёш ниҳоллигида кузги тунлам, майса узунбурун қўнғизи, соя шираси, шоналаш, гуллаш ва ҳосил тугиш вақтида ўргимчаккана, ғўза тунлами, беда қандаласи, дала қандаласи, ва тўрт доғли донхўрлардан ўз вақтида ҳимоя қилинса, кутилганидек ҳосилдорликка эришиш мумкин [3].

Мамлакатимизда соя ўсимлигини етиштириш ва аҳолининг соя мойига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга ҳукуратимиз томонидан катта

эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14-мартдаги “2017-2021 йилларда Республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чор-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2832-сонли қарори қабул қилинди. Шунга



кўра, дуккакли дон экинларини етиштиришда соянинг сўрувчи зараркунандаларига қарши энг қулай самарали ҳимоя воситалари асосида кураш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Шунга кўра, дуккакли экинларга зарар етказадиган сўрувчи зараркунандаларга қарши самарали воситалар асосида ҳимоя қилиш муҳим долзарб аҳамиятга эгадир. Тадқиқотларда Қарши тумани Я.Омонов ҳудудидаги тажрибада соя ўсимлигининг “Ойжамол” нави экиб ўрганилмоқда ва унга сўрувчи (ўргимчаккана, трипс, шира) зараркунандаларнинг зарари ва улардан ҳимоя қилишда замонавий препаратлардан фойдаланилди.

Тажрибаларда соя ўсимлиги турли ривожланиш фазалари таҳли қилинди. Шундан соянинг 2-5 баргли ривожланиш фазасида зараркунандалар билан зарарланиши ва турли хил препаратлар билан вариантлар бўйича кимёвий ишлов ўтказиб борилди. Кимёвий ишлов ўтказишдан олдин соя ўсимлигининг барча вариантларида ўсимликларда зараркунандалар зарари ва уларнинг сони ҳисобланиб аниқлаб олинди. Бунга кўра, тажрибада назорат (ишловсиз) вариантда зараркунандалар сони қайтариқлар бўйича ўртача сони 8-10 дона бўлганлиги маълум бўлди.

Эталон препарат “Нурелл стар 55% э.м.к.” инсектоакарациди қўлланишидан олдин зараркунандалар сони ҳисоблаб чиқилганда ўртача сони 7-8 дона зараркунандалар борлиги қайд қилинди. Препарат қўлланилгандан 3-14 кундан кейин зараркунандалар 1 ва 3

қайтариқларда ўртача сони 3 дона.ни ташкил этган бўлса, тажрибада 2 ва 4 қайтариқларда зараркунандалар сони ҳисобланаганда ўртача сони 2 дона эканлиги кузатилди.

Тажрибада қўлланилган “Акара стар 72% к.э.”, “Имидо стар 35% к.э.”, “Вертимек стар 3,8% э.к.”, “Моспилан стар 20% н.к.”, “Эмабен стар 10% В.Д.Г.” препаратларини ҳам 2-5 барг фазасида ишлов ўтказилганда ҳам бир хил натижалар кузатилганлиги маълум бўлди. Тажрибаларда фақат “Ниссоран стар 10% э.к.” препарати қўлланилгандан кейин зараркунандалар сони қайта ҳисоблаб чиқилганда, тажрибадаги 1, 3 ва 4 қайтариқларда 2 донадан зараркунанда сони, 2- қайтариқда 1 дона зарарли зараркунандалар сони камроқ бўлганлиги аниқланди.

Препаратлардан “Эмабен стар 10%”, “Акара стар 72% к.э.” қўлланилгандан сўнг 3-14 кун муддат ўтиб ўсимликда зараркунандалар сони қайта ҳисоблаб чиқилди. Бунга кўра, тажрибадаги барча қайтариқлар бўйича ўртача сони 2-3 донадан зараркунандалар қолганлиги маълум бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган тадқиқотларда соянинг “Ойжамол” нави 2-5 баргли фазасида соя зараркунандаларига қарши турли инсектицидлар билан ишлов ўтказилди. Бунга кўра, препаратлардан Акара стар к.э.-0,4 л/га 96 фоиз, Нурелл стар 55% э.м.к.- 1,5 л/га – 98 фоиз, Имидостар 35% к.э.- 0,175 л/га – 100 фоизга биологик самарадорлик кўрсаткичи аниқланди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Н.Халилов, З.Артиқов w.w.w.agro.uz



2. Д.Ёрматова. Ўсимлик маҳсулотларини етиштириш технологияси. Тошкент.

“Илм-Зиё” 2011 й. 106-бет

3. Н.Эргашева, А.Холлиев. Агрокимёҳимоя ва ўсимликлар карантини журнали.
№4. 2020 й. 22-24 бет.